

**Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини
таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2026 йил 3 март ҳолатига

Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан “Ijro.gov.uz” тизими орқали Вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сонли, 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сонли фармонлари ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПК–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари вазир ҳузурида ҳамда жума кунлари вазирнинг ижро интизомига масъул ўринбосари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси танқидий муҳокама қилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, 2026 йил 9 февраль куни вазирликнинг ҳайъат йиғилишида “Ijro.gov.uz” тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси раҳбарининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, масъулларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги оширилган.

2026 йилнинг февраль ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини 22 февралга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I–II картотека топшириқлар рўйхати 19 январь куни, вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар ишлаб чиқилиб, вазир имзоси билан эслатма ва ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

2026 йилнинг февраль ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган 29 та Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг барчаси (100%) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

51 та Президент топшириқларининг 50 таси бажарилган ҳамда 1 таси бажарилмаган ва 31 та Администрация раҳбари топшириқларининг 29 таси бажарилган, 2 таси бажарилмаган. Бугунги кунда, ушбу топшириқларни назоратдан олиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, 2026 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 237 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан 183 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 54 тасида ҳамижрочи.

Администрация раҳбарининг 35 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 29 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 6 тасида ҳамижрочи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 90 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 52 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 38 тасида ҳамижрочи ҳисобланади.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими